

---

## Марғилон шаҳридаги маҳаллаларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда

Айни кунларда Марғилон шаҳридаги барча маҳаллаларда ҳашар йўли билан қабристон ва зиёратгоҳлар тозаланиб, ариқ ва зовурлар ковланмоқда. Шунингдек, мевали ва манзарали кўчатлар экилиб, шакл бериш, оқлаш ишлари амалга ошириляпти.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда шаҳардаги мавжуд 56 та маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан “Наврўз” умумхалқ байрамига пухта тайёргалик кўрилмоқда.

Маҳаллаларда сумалаклар тайёрланиб, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар холидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда.

2023-03-04 16:54:17